QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«18» август 2021 у. №03-03/01-3703 «____» ____________ 2021-j.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5081-сон қарори билан тасдиқланган дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 24 апрелдаги 02-55-сонли тадбирлар дастурининг 4-банди (18) юзасидан Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда қаҳрамонлик кўрсатиб, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчиларнинг бюстларини яратиш ҳамда улар ўқиган умумий ўрта таълим муассасаларига ўрнатиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жами 727 та умумтаълим муассасаларида бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, мудофаа бошқармаси, давлат хавфсизлиги хизмати ҳамда миллий гвардия ҳудудий бошқармалари томонидан 4 та умумтаълим муасасаларига (Кегейли туманидаги 1-сонли, Шуманай туманидаги 9-сонли, Элликқалъа туманидаги 2 ва 3-сонли мактабларда) хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчиларнинг бюстлари ўрнатиш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунга қадар Элликқалъа туманидаги 3-сонли мактабда ички ишлар органи ходими **Болтабоев Азамат Нурумбаевич**нинг деворга эсдалиги ўрнатилди..

Бундан ташқари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан умумтаълим муассасаларига хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчиларнинг кўрсатган жасоратлари акс эттирилган бурчаклар яратилиб, мактабнинг махсус жойларига ўрнатилган.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ таълими вазири ўринбосари** **Ш.Таджимуратов**

Ижрочи: Р.Танирбергенов
Тел. 0361-222-24-29

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin